

Куч—адолатда



АДОЛАТ

Ўзбекистон
«Адолат»
СДП
газетаси

✧ 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган ✧ 1998 йил, 23 октябрь, № 42 (185) ✧ Жума кунлари чиқади ✧ Сотувда эркин нархда ✧



АВЛОДЛАРГА БИЗ ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН ҚОЛДИРАЙЛИК

Кудратимизга шакшубҳангиз бўлса, биз қурдирган биноларга боқинг.

Амир ТЕМУР.


Биз тарих майдонида куни кеча пайдо бўлган миллат эмасмиз. Аксинча, ўрта асрлардаёқ жаҳон цивилизациясига унутилмас ҳисса қўшган ва тафаккур осмонида юлдуздай порлаб турган буюк алломаларнинг ворисларимиз. Бинобарин, биз ана шу улугъ аждоғларимизнинг шаъну шавкатига, ақлу заковатига, уларнинг ҳаётбахш, қутлугъ меросига ҳамиша муносиб бўлмоғимиз керак.

Ислом КАРИМОВ.


• Эзгу орзуларимизни амалга ошириш, ёрқин келажагимизни бунёд этиш, дунёда «Биз — ўзбеклармиз», дея мағрур юришимиз учун энг аввало нима керак? Миллий гурур керак... Гурурли халқни эса ҳеч қачон тиз чўктириб бўлмайди. Биз Амир Темур сиймосида ана шу гурур чашмасини кўрамыз.



• Кўхна Шарқнинг муаззам шаҳарларидан бири саналмиш Самарқанднинг ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги порлоқ ва абадийдир.



• Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистони-миз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!



• Хива — бизнинг жонли тарихимиз, бу дунёга келиб-кетган қанча-қанча салтанатлар гувоҳи, юртимизнинг, халқимизнинг, миллатимизнинг мислсиз ўтмишидан, ота-боболаримизнинг даҳосидан, маънавий мулкимизнинг буюк иқтидори ва қудратидан далолатдир.



• Бухоро ўлкамизнинг минг йиллар давомида жаҳон тафаккури, маънавий, маданий ва диний қадриятлари тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келаётган, шарифлик номига сазовор бўлган муқаддас жойларидан биридир.

ЮЗ ЙИЛДА БИР ТУҒИЛАР САРДОР

Хотам дунё ғимматлари бор,
Ҳикмати бор ҳар бир туҳфасин.
Юз йилда бир туғилса сардор,
Парвардигор ўзи асрасин!...

Бешикда тинч ухлар гўдак жон,
Кулгусига садақа бу жон.
Миллат учун ким бўлса қалқон,
Парвардигор ўзи асрасин.

Ёмон кўздан сакласин зинҳор,
Қамолнинг кўролмаслар бор.
Кимки қарвон бошидаги нор —
Парвардигор ўзи асрасин.

Дунёга боқ, ҳаёл етмаган,
Бурчаги йўқ олов кетмаган.
Осмони тинч, осуда Ватан!..
Парвардигор ўзи асрасин.

Бошин силаб ёшу каттасин,
Чинордайн шоху новдасин,
Асрагувчи Темурзодасин,
Парвардигор ўзи асрасин.

Кенгашганга дунё кенг, ахир,
Биринг ёқа, биринг енг ахир.
Қавмим кел, деб ким очса бағир,
Парвардигор ўзи асрасин.

Юртим, ёд эт наҳору шоминг,
Тилингда шу бўлсин қаломинг.
Қалбинг каби қайноқ саломинг,
Парвардигор ўзи асрасин.

Жонингни тут, жони фидога,
Айтганинг бор экан худога.
Ўзбекистон, қўл оч дуога —
Парвардигор ўзи асрасин!..

Ифтихор ва эҳтиром

ТИКЛАНИШ

Ўзбек халқи ўзининг кўп яхши фазилатлари билан фахрланса арзийди. Чунки бизнинг юрт авлиқлар, валийлар, алломалар, жаҳонгирлар, саркардалар, даҳолар юрти. Бу маконга пайғамбар назари тушган.

Бу халқнинг буюк фарзандлари фаннинг, сиёсатнинг турли жабҳаларида бемисл ишлар қилиб, юнон фалсафасини ижодий узлаштирган, Европа фалсафасини уйғотган, жаҳон маданиятига дафъатан ақл бовар қилмайдиган даражада таъсир қўрсатган, дунёга машҳур асори-атикаларни яратган...

Бизнинг халқ яратувчи, бунёдкор, маданиятли, маърифатли халқ. Унинг кўп минг йиллик бой тарихи ва мероси бор. Ана шу тарих саҳифаларини варақласак «Ҳадис» илмининг султони имом Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, араб тили грамматикасининг асосчиси Махмуд аз-Замаҳшарий, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Сино, дунёвий ва илоҳий илмларни омухталаштирган Абу Райҳон ал-Беруний, Ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, буюк Амир Темур... ва бошқа улугъ зотларнинг номларига кўзингиз тушади. Ана шу буюк зотлар асос солган қадимий маънавиятимиз, қадриятларимиз Оллоҳга минг шукроналар бўлисинки, мустақиллик сардори Ислом Каримовнинг саъйи-ҳаракати билан тикланмоқда, янада бойиб бормоқда, Ўзбекистон жаҳонга, жаҳон эса Ўзбекистонга юз тўтиб, ўзига хос ва мос тараққиёт йулидан дадил қадам ташлаяпти.

Энг муҳими, биз буюк ота-боболаримизнинг машҳур алломаларимизнинг номини тиклаб, уларнинг руҳини шод этмоқдамиз. Юртбошимиз айтганларидек, «Бизнинг йўлимиз — ҳолисона йўл. Ўз кучимизга ишониб, ўз бойлигимиз ва имкониятларимиз билан, минг йиллик маданиятимиз ва тарихимизга, утган буюк алломаларимизнинг руҳи покларига таяниб иш юритмоқдамиз».

Ҳақиқатан ҳам бизнинг боболаримиз даврида, айниқса, қудратли давлат қурган Амир Темур замонида маданият, илму фан, меъморчилик гоят ривожланди, халқимизнинг кўп анъаналари қамол топди. «Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадридир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳмият касб этади».

Юртбошимизнинг бу пурандозаларига мос қўллаб ишшоотлар қурилди, янгидан янги корхоналар ишга тушди, янги бозорлар, даҳалар қад кўтарди, йўл, кучалар обод бўлди.

Ҳа, бунёдкорлик бизнинг қонимизда бор. Бунёдкорлик — фаровон ҳаёт асоси. Ўзбекистоннинг бугунги кунда улкан имкониятлар мамлакатига эканлигини жаҳон афғор оммаси тан олмоқда. Бу дилларда ифтихор ва фахр туйғуларини уйғотади.

Бугунги ТИКЛАНИШ ЙИЛЛАРИДА, Юртбошимиз айтганларидек, тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Ота-боболаримизни ёд этиш, уларнинг руҳини шод этиш, топталган қадриятларни тиклаш — ўтиш даврининг қийинчиликларидан бизларни асрамоқда, мураккабликларни ҳал этишда мадад бўлмоқда.

Ўзбек халқи бугун эса шундай инсонлардан яна иккисининг руҳини шод этаяпти. Бири бутун ислом оламида иззат-эҳтиром билан тилга олинган Имом-ал-Бухорий бўлса, яна бири кўхна Шарқнинг машҳур алломаси Аҳмад ал-Фарғонийдир.

Зеро, Президент Ислом Каримов айтганларидек, биз «Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, теурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига қумаклашганини англаб фахрланамиз».

Тўхтамурод ТОШЕВ.

Бугун ва эртага мамлакатимиз халқи буюк алломалар —Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигини кенг нишонлайди.



• — Мен Каъбатулло зиёратида улугъ бир рамз кўрдим, Ўзбекистоннинг келажаги муқаррар тарзда порлоқ бўлишига имон келтирдим.



• Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашариёт ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.



• Ўзбекистон — келажаги буюк давлат. Бу мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.



• Жойлардаги мутасадди раҳбарлар ҳам мен одамлар учун, халқим учун нима иш қилдим, қандай бино қурдим, қайси йўл билан одамларнинг оғирини енгиллатдим, дея ўзига савол бериши керак.



• Бозорга ўтиш муқаррар. Бу — давр амри, объектив реаллиқдир. Айни вақтда бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир.

● Бугун Самарқандда ҳадис илмининг султони Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига бағишланган халқаро анжуман бошланди

Ифтихор

ЖАҲОН АЙВОНИДА МУҚАДДАС ДАҲО

Асли Самарқандда ҳар сиқим тупроғини тавоф айлашга арзигулик табаррук қадамжолар бисёр. Уларнинг ҳар бири кўна тарихимизнинг, бой маданиятимизнинг, жаҳон маънавиятига, илму фанига улкан мерос қолдирган улуг аждодларимиз ҳаётининг мунаввар саҳифаларини ёдга солиб тургандек.

Бироқ, бугун Челақ туманидаги мўъжазгина Харжанг қишлоғи дунёнигоҳини, диққат-этибормини ўзига тортган. Қоҳирада ҳам, Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, Индонезия, Бруней мамлакатларида ҳам бу ном тез-тез тилга олинмоқда. Халқаро илмий-амалий тадқиқотлар, илмий экспедициялар маркази сифатида шу жой танланган. Мусулмон дунёсининг таниқли олимлари, давлат ва жамоат арбоблари қалбда туганмас эътиқод ва эҳтиром ила бу муқаддас заминга ташриф буюришган.

Бу қадар юксак ҳурмат, садоқат боиси шубҳасиз, буюк ватандошимиз, муҳаддислар сарвари Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратлари ва ул табаррук зотининг жаҳон маънавиятига қўшган бебаҳо ҳиссалари туйғиларидир.

Ҳа, бугун асрлар давомида маънавиятнинг тиник, покиза сарчашмаси бўлиб келган аждодлар меросини қайта кашф этиш, ўзгичмизни, қадриятларимизни англаш йўлида яна бир катта қадам қўйилмоқда.

Шуни алоҳида мамнунит, ифтихор билан таъкидлаш лозимки, Самарқандда буюк бобоклонимиз ҳазрат Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги нишонланганидан бу кунгунгача ҳар жиҳатдан пухта тарғиб қилинган. Айниқса, республика Вазирилар Маҳкамасининг бу санои муносиби нишонлаш турғисида қабул қилган қароридан сунг ва албатта мамлакатимиз Президентининг доимий эътибори, қўллаб-қувватлашлари туйғилли қисқа вақтда дунё ҳамжамиятининг назарига тушадиган ишлар амалга оширилган. Хусусан, Имом ал-Бухорий дафн этилган Харжанг қишлоғидаги масжид-мақбара ва унинг атрофидagi қурилиш ободонлаштириш куламини ақли лол қолдирадиган даражада. Шарқ миллий меъморчилигининг энг яхши намуналарини шу ерда ўқиб олиш мумкин. Масжид айвони кутариб турган ёғоч уймакор устунлар, бир-бирдан сержилло, нақшдор эшик ва дарвозалар, мовий гўмбазлар, ҳовли саҳнидаги қатор чироқлар, қиратхонадаги улкан биллур қандиллар ва зиёратгоҳга кириваришдаги фавворалар фақат шу жой учун атайлаб бунёд этилган.

Эрондан келтирилган



новб оникс, Зарбанд, Ургут, Нуротанинг нодир мармларини, Омонқутоннинг қора гранити, Исроиҳдан келтирилган сув пурақигичлар зиёратгоҳга қурқ бағишлаб турибди.

Қурилиш таъмирлаш ишларининг ўзига хослиги, бетакорлигини яна шу билан изоҳлаш лозимки, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳини ободонлаштиришга мамлакатимизнинг ҳамма вилоятларидан энг машҳур усталар жалб этилди. Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Андижондан ташриф буюрган қўшнлар, нақшдорлар, гишт терувчи, уймакор, меъморлар ўз маҳоратларини намойён этиб тарихга жон киритдилар.

Ўзбекистон Қасрамони, самарқандлик машҳур қошиқдор уста Мирмурасадов, уймакор Мирҳабиб Аббасов, гишт терувчи Абдурауф Абдуллаев, «Бунёдкор» жамоа қорхонаси раҳбари Баҳодир Худойбердиев ва бошқа унлаб-юзлаб фидойилар бу ерга қалб қури, кўз нурини тўкиб улуг бобоклонимиз руҳи покларини шод этдилар.

Аллома юбилейига тайёргарлик фақат Харжанг қишлоғи доирасида чекланиб қолмади. Самарқанд шаҳридан Челақ туманидаги зиёратгоҳга олиб борилган йўл буткул қайта таъмирланди, кўприклар соз-

ланди. Даҳбед қишлоғида Имом ал-Бухорий метросининг тарғиботчиси Маҳдуми Аъзам зиёратгоҳи, Самарқандда Шохизинда мақбарасида ҳам ба-жарилган ободончилик ишлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Самарқанддаги собиқ Кайруан кучаси эндиликда Имом ал-Бухорий номи билан аталди, Челақ туманидаги худди шу номи билан олган ҳужалик худудида Мевазор боз бопро этилган ҳам улуг бобоклонимизга нисбатан ҳурмат-этибор рамзидир.

Самарқандда ташкил этилган «Имом ал-Бухорий халқаро хайрия жағмармаси» дастлабки кундан оқ соғиёти ни аллома меросини урганиш

Бухорийнинг жаҳонаро обрў-этибори ва унинг юртига булган беҳад қизиқиш ҳақида шундай мулоҳазаларни баён этдики, у мени яна озод юртнинг қадриятлари хусусида сўз юритишга ундади.

Маълум бўлишича, шурулар мафқураси аини гуллаб яшнаган даврда, яъни 1974 йилда Исмоил оламининг етук олимлари, тадқиқотчиларидан катта бир гуруҳи ногўх Самарқандга — Харжанг қишлоғига ташриф буюриб қолдишган. Улар бу ерда «Имом ал-Бухорий ва ҳозирги замон» мавзюида халқаро симпозиум ўтказишган. Бир-биридан таъсирчан, мазмунли маърузалар ўқишган. Худди уша йили халқаро ЮНЕСКО ташкилотини хоҳийлигида бутун дунёда Имом ал-Бухорийнинг 1200 йиллик маърақаси кенг нишонланган эди. Аммо алломининг ўз юртида халқ бу маърақадан беҳабар қолди. Собиқ шурунинг мафқуравий посбонлари буюк аждодимизнинг дунё томонидан тан олинишини истамганликлари боис анжуман ва унинг аҳамиятини халқдан яширган эдилар.

Чунки мустақилликка эришганимизга мудом ўзга миллат даҳоларини бошга кутариб, ўз улугларимизни танимай келганимиз, — дейди тарихчи олим. — Бугун эса Имом ал-Бухорийдек зоти бобаракотни қадрлаш бобаридада ўзгичмизни англаб, қадрлаётимиз.

Имом ал-Бухорий масжидининг имом хатиби ҳожи Усмонжон Темуҳон ўғли Жаҳонбарининг таъкидлашларича, бу муқаддас зиёратгоҳнинг овозаси дунё бўйлаб ёйилмоқда. Хинду, Эрондан, Қоҳира, Истамбулдан, Боку, Ашгабаддан, Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларидан дилда илос-этиқод билан бу ерга қадам ранжида қилаётганларнинг сони беҳисоб. Улар бу табаррук масканини зиёрат айлаб сажда қилиш бобаридада кўнглиларига яхши ниятларни тугиб қайтмоқдалар. Юртимизда иймон-эътиқод поклигига, озод ҳаётга шукроналар айтмоқдалар.

Ҳа, жаҳон айвонида муқаддас даҳо саналмиш Имом ал-Бухорийнинг Харжанг қишлоғидаги зиёратгоҳидан бугун тили, миллати турли бўлган халқлар уртасига ишонч кўприклар солинмоқда. Бу кўприклар абадиётга хизмат қилиши, дилларни, элларни бир-бирига боғлаши шубҳасиз.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

● Эртага Фарғонада буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган тантаналар бошланади

Фахр

ДУНЁ ТАН ОЛГАН АЛЛОМА

Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, IX—XV асрларда мусулмон оламида 700 дан ортиқ номдор олимлар етишиб чиққан бўлиб, улардан 500 нафари урта осиеликлардир. Уларни кўпинча Фарбада араб олимлари деб аташган. Чунки ҳаммаси уша пайтда араб тилида ижод қилганлар. Улар орасида улуг ватандошларимиз Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Касир ал-Фарғоний ҳам бор эди. Мусулмон оламида илм-фан марказига айланган шаҳарлар сони 10 тадан ошмайдиган. Улардан Марв, Урганч, Бухоро, Самарқанд Урта Осиёда булганлиги биз учун фарҳангадиган ҳолдир.

VIII аср охири IX аср бошларида Бағдод араб халифалигининг маркази бўлиб, халифа Хорун ар-Рашид бобо-си Мансур томонидан қурдирилган Бағдоднинг илм-фан соҳасидаги шуҳратини янада бойитди. Уғли ал-Маъмун Хуросондаги ноиб қилиб тайинланди. Ал-Маъмун Марв шаҳрини ўзига қароргоҳ қилиб Урта Осиёлик олимларни атрофига туплади. Отаси вафотидан сунг ҳокимият учун қурашда қолди қишқар халифа ал-Маъмун барча олимларни ўзи билан Бағдодга олиб кетди ва 813 йилда «Байт ал-Хикма» — Бағдод академиясини ташкил этди. Бу академияни ватандошимиз

буюк аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бошқарди. 820 йилдан ушбу илм-фан марказига Аҳмад ал-Фарғоний ҳам тақлиф этилиб, у академиянинг астрономия соҳасини бошқарди. Шу уринда академиядан хизматда булган олимларнинг кўпчилигини бизнинг ватандошларимиз ташкил этганини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

«Байт ал-Хикма»да геометрия, астрономия, геодезия, математика ва бошқа аниқ фанлар соҳасида тадқиқотлар олиб борилди. Бу соҳадаги юнон илми чўқур ўрганилиб, араб тилига таржима қилинган бўлиб, бу тадқиқотларда ал-Хоразмий билан Ўлма-ён ал-Фарғоний ва Урта Осиёдан ал-Марвазий Холли ибн Абдумалик ал-Марварудий, Аббос ибн Саид Жавҳарий иштирок этганлар.

Аҳмад ал-Фарғоний бошчилигида аввал Бағдодда, сунгра Дамашқда расадхоналар қурилди ва уларда астрономик кузатишлар олиб борилди. Юнон олими Птолемейнинг «Ал-мажистий» асари чўқур ўрганилиб таржима қилинди. Янги кузатишлар асосида бу асарга кузатишлар киритилди, шарҳлар ёзилди. Птолемейнинг олам тўзилиши ҳақида айрим фикрлари танқид қилинди.

Бағдод расадхонасида қўпгина кашфиётлар қилинди.

Аҳмад Фарғоний ер юзисининг думалоқлигини илмий исботлаб берди. Осмон жисмла-

рининг ҳар хил вақтдан кузатилиши, тўтилиши, уларнинг турли минтақаларда турлича қўрилишини тушунтириб берди. Олимнинг «Самовий ҳарақатлар ва юлдузлар фанининг мажмуаси ҳақидаги китоб» астрономия соҳасидаги қўмусий асар бўлиб, унда фалакиёт ҳақидаги барча билимлар қамраб олинган. «Ал-Маъмуннинг текширилган жадваллари» номи билан машҳур булган мажмуа Бағдод ва Дамашқ расадхонасида фалакиёт қўрсатган олимлар жамоасининг қўп йиллик кузатишлари натижасидир. Бу асар IX асрда фалакиёт ва жўрофия илмига катта таъсир қўрсатган. Китобнинг ўзи бизгача етиб келмаган, аммо унинг асосий мазмунини моҳиятини Аҳмад ал-Фарғонийнинг юқорида тилга олинган асарларида келтирилган.

Улуг аллома, ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний фақат назарий олим эмас, асл амалиётчи муҳандисдир. Ул зот расадхоналар қурилишига бошчилик қилиш билан бирга уларда ишлатилган янги астрономик кузатиш асбобларини кашф қилган, амалга татбиқ этган эди. Бу кашфиётлари ҳақидаги маълумотлар «Астролябия ҳақида муқаммал китоб», «Астролябия санъати ҳақида» деган китобларида келтирилган. Хуллас, олим астрономия, география, материалшунослик ҳақида ҳам унлаб асарлар ёзган.

Аҳмад ал-Фарғоний астро-

номик кузатиш асбоб-ускуналарини ясаб билан бирга самовий жисмларни кузатишда шаҳсан иштирок этган. Олинган натижалар диний байрам, руза кўнлари, беш маҳал намоз вақти ва қиёлати аниқлаш, масжидлар қурилиши йўналиши, шаҳарларнинг географик координатларини аниқлаб, деҳқончилик ва қорвачилик ишларини бошлаш ва яқунлаш пайтларидан хабар бериб туриш учун хизмат қилган. Шу уринда олимнинг Мисрдаги Нил дарёси сувининг сатҳини назорат қилиш учун «миқдас жадид» — километрни яратганини таъкидлаш зарур. Бу иншоот катта амалий аҳамиятга эга эди. Чунки дарёдаги сув сатҳининг паст ёки баландлигига қараб соҳилдаги деҳқонларни қўроқчилик ёки сув тошқинидан огоҳ қилиш, табиат инжиқликлари тўғрисида зарар қўрган деҳқонларни солиқдан озод қилиш ёки давлат томонидан ердам уюштириш мақсадларига хизмат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, урта асрларда Шарқ илми буюк боболаримиз асарлари орқали бутун оламни машъал қилиб биз бир бор ердиди. Яна бундан доим фахрланамиз, албатта.

Бобоқул ЖўРАЕВ,
СамДУ физика факультети доценти.

АЛ-ФАРҒОНИЙ МУҲАББАТИ

Таниқли ёзувчи ва шоир Йўлдош Сулаймон дунёга машҳур бобоклонларимиздан Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний Ал-Касирини ҳаёт йўли ва буюк илмий фаолияти ҳақида тўрт парда, беш кўринишли шеърини драма ёзди. Қўйида ана шу драманинг иккинчи парда, учинчи кўринишидан кичкина парча ҳавола этамиз.

Ёнимга келибсиз, кўнгли бўлсин тўк,
Сизни қувган ўша вазира энди йўк.
Яна иш бошлайсиз «Байтул хикма»да,
Каторда қайтадан ташлайсиз қадам.
Билмаман, кимлардан роса тўйгансиз,
Аммо кўп китоблар ёзиб қўйгансиз.
Уларни ҳеч кимса тортиб ололмас.
Сиз оддий тош эмас, синалган олмос!

Фрад ОРОБА:
Ёмон одамлардан қочиб юрибман,
Ўлимга қўқимни очиб юрибман.
Тоша одамларга келмаёпман дуч.
Ал-Фарғоний:
Кон тўқмас яхшилар бекордан-бекор,
Хали топилади Сизга лойиқ қор.
Фрад ОРОБА:
Ўлим зарур менга, кечдим баридан,
Тўйиб кетдим дунё ситамларидан.
Бир йўла кутқаринг, кутқаринг ҳазрат.
Сўровимни фақат эта кўрманг рад!

Ал-ФАРҒОНИЙ:
Сиз гарбдан экансиз, мен эса шарқдан,
Битта орзу билан юрибман шаҳдам!
Қариндошимиз, буну унутиб бўлмас,
Шуни ҳис этган руҳ ҳеч қачон сўнмас.

Фрад ОРОБА:
Дунёнинг иккита тарафиданмиз,
Иккимиз ҳам асли юртдан жудомиз.
Шуни Сиз йўйяйсиз қариндошликка!

Ал-ФАРҒОНИЙ:
Умр вафо қилар доим дошликка,
Ўзоқмиз-яқинмиз, нари-беримиз.
Аммо ахир бизда Она-Ермиз!
Ишонаман, халқлар руҳан бирлашар.
Ул манзилга охир етади башар!

Фрад ОРОБА:
Тўғри, дилим ҳозир ёришди китдай,
Чиндан Ер, Қуёшу Ойимиз китдай.

Ал-ФАРҒОНИЙ:
Тарқалганмиз ўша Одам Атодан.
Ҳеч биримиз айро эмас хатодан.
Аммо бизни яқин этиши мумкин.
Низолар ўртадан кетиши мумкин.
Топсан қариндошлик йўлу йўригин.
Қайта кўқартирсан унинг уругин.
Ўшанда ҳамма халқ яшар тенг, хурли.
Бусиз Она-Ер ҳеч бўлолмас нурли!

Фрад ОРОБА:
Сўзларимда йўқдир асло манзират.
Мени тушундингиз фақат Сиз ҳазрат!

Ал-ФАРҒОНИЙ:
Дунё гўзал, яшаш азоб бўлса ҳам,
Вужудинг аламга лим-лим тўлса ҳам —
Унинг қўчоғидан айрилгинг келмас.
Ўша жаннатга ҳам қайрилгинг келмас.
Дунё жуда гўзал, дунё шириндир.
Ўлмаслик ҳаёли менинг сиримдир.

Фрад ОРОБА:
Илмий орзуларим чала қолиб кетди.
Ноҳақликлар зуқми барин олиб кетди.
Йўлимдан чикмади бирорта аёл,
Хатто ҳаёл бўлиб қолмади ҳаёл.
Нега тугилганман, яшадим нега.
Ҳеч нимани раво кўрмади эгам!
Кимларда хотину яна қул қизлар.
Ёстиқ урилар ҳар он қўқимга,
Тегар айқаш-уйқаш бўлган ҳисимга.

Ал-ФАРҒОНИЙ:
Умри қийноқларда ўтган марҳумни.
Фақат заҳар-зақум ютган марҳумни
Тирилтириб сўранг такрор яшашга.
Жон деб рози бўлар, ўй келмас бошқа!
Усти бошларингиз, ҳа, серамоқдир.
Қўлни юпка қилиб қўйгандир тақдир.
Қўнглингизни ҳеч ким этмаганимиз банд?

Фрад ОРОБА:
Этган эди, бироқ, бериб кетган панд!

Ал-ФАРҒОНИЙ:
Лек нигоҳингизда муҳаббат тўла.
Назари очларнинг устидан қулар.
Гапга солиб қўрган юрак нурларан.
Қўзингизда ишқий ташналик ёнар!

Фрад ОРОБА:
Ўлим роҳатидан мени чалғитманг,
Менинг кўнглим учун ёлгонга ўтманг.
Сизни ҳар дақиқа чалмоқчи бўлган.
Тирикчилигингиздан ғазабга тўлган
Суфи бин Юсуф айёрлигини.
Ҳар қандай пастликка тайёрлигини —
Пинҳон бажаришни қўймаганидай.
Арабдан ўзгари суймаганидай,
Мен ҳам ўшларни энди суймаман.
Ўзимни уларга бериб қўймаман.
Қўнгли кенг инсонсиз, қочиринг, ҳазрат.
Яшашдан топмадим асло фазилат.
Аҳдим ёнингизда бир ош бўлиш эди.
Ҳақ Сизни асрагай қисматидай!
Ал-Фарғоний:
Инсон кўрар не бўлса қисматидай!
Йўлдош СУЛАЙМОН.



БУХОРИЙ БОБОМ

Ҳақ йўлдан адашсам тўғри йўл топдим,
Ҳикмат сандигидан гавҳар, дур топдим,
ҲАДИС гулшанидан маъни-гул топдим —
Мангу барҳаётсиз, Бухорий бобом.

Имонсиз касларнинг юзи қародур,
Охират кунда сўздан тонадур,
Сизни билганларнинг ўзи аълодур,
Мангу барҳаётсиз, Бухорий бобом.

Очкўзининг кўзини тупроқ тўлдирар,
То тирик экан ул-жондан тўйдирар.
Яхшини Оллоҳ ҳам суйиб-суйдирар,
Мангу барҳаётсиз, Бухорий бобом.

«АЛ ЖАМИ АС-САХИХ»дуру, ҳикматдур,
Ким уни ўқиса жонга роҳатдур.
Умрининг безаги ажиб зийнатдур —
Мангу барҳаётсиз, Бухорий бобом.

Ўзбегим қувонгин, ўзлигинг қайтди,
Ўлимда устивор сўзлигинг қайтди,
Не бахтки, бир офтоб юзлигинг қайтди —
Мангу барҳаётсиз, Бухорий бобом.

Буюклик бобиди аълосиз, аъло —
Ҳаётини исбот шу — доносиз, доно.
Сизсиз кечган умрим ғариб, бемаъно —
Мангу барҳаётсиз, Бухорий бобом.

Мол-дунё талашган касларни кўрдим,
Ғадодан ҳам юлган пасларни кўрдим.
Шунда руҳингиздан мададлар сўрдим —
Мангу барҳаётсиз, Бухорий бобом.

Не-не ечилмаган жумбоқларимга,
Маънолар топдимку сўроқларимга,
Жо қилдим бир дунё сабоқларимга —
Мангу барҳаётсиз, Бухорий бобом.

Маърифат ҒАНИЕВА.

БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИЙМ

1-БОБ. ЖАНОБ УЛ РАББИЛ ОЛАМИННИНГ: «БИЗ ҲАММА ИНСОНЛАРГА ОТА-ОНАЛАРИГА ЯХШИЛИК ҚИЛМОҚЛАРИНИ БУЮРДИК» (8:29) ДЕГАН ОЯТИ ҚАРИМАСИ ҲАҚИДА

1-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Масъуд (розийллоху анху) айтдилар: «Мен Расулуллоҳ (саллоллоху алайҳи ва саллам) дан қиладиган амалларимиздан Аллоҳ Таолога энг сезилмаси қайси, деб сўрадим. Расулуллоҳ: «Фара намозларини ўз вақтида ўқиш», — дедилар. Мен: «Ундан кейин қайси?» десам, Расулуллоҳ: «Ундан кейин Аллоҳ Таоло йўлида жиҳод қилиш», — дедилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд: «Расулуллоҳдан мен шуларнигина сўрадим. Агар саволимни қанча давом эттирсам Расулуллоҳ ҳаммасига жавоб айтаверардилар», — дедилар.

2-ҳадис. Абдуллоҳ ибн Умар (розийллоху анху)дан ривоят қилинди. У киши: «Аллоҳ Таолонинг рози бўлиши отанинг рози бўлишига ва унинг ғазоби ҳам отанинг ғазобига боғлиқдир», — дедилар.

2-БОБ. ОНАНИ РОЗИ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

3-ҳадис. Мусовий ибн Ҳайида (розийллоху анху) айтдиларки, Расулуллоҳдан: «Эй Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?» — деб сўрадим. «Онанга», — дедилар. Мен саволимни уч мартаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ: «Онанга», — деявердилар. Туртинчи мартаба сўраганимда: «Отанга ва яқин булган қариндошларингга», — дедилар.

ПОРЛОҚ ЮЛДУЗ

Аҳмад ал-Фарғоний — отахон бобом,
Бир минг икки юз ёш, тўйинг муборак,
Истиклол тўғрисида қаддинг ростлаган
Забардаст, улугвор бўйинг муборак!
Бор экан Фарғонам, порлоқ юлдузинг!
Илм-фан қариди чўқур илдизинг!

Билим дарёсида қайнадинг, тошдинг,
Сув келса симириб, тош келса янчидинг.
Ой, юлдуз, қоинот сирларин оқиндиг,
Авлодлар йўлига зийлар соқиндиг,
Бор экан Фарғонам, порлоқ юлдузинг!
Илм-фан қариди чўқур илдизинг!

Мозийда устунсан, осмондир томинг,
Ёзилган экан-қу, ойга ҳам номинг,
Фидойи бўлмоқлик зўр ташвиш, ғаминг,
То абад ўчмағай қандилда шаминг.

Бор экан Фарғонам, порлоқ юлдузинг!
Илм-фан қариди чўқур илдизинг!

Куббадан йўл олдинг: Боғдод, Миср, Нил...
Асарлар яратдинг: нодир, хилма-хил,
Ҳар бир варағидан озик олур дил,
Шуқратинг тилларда дoston бўлди, бил!
Бор экан Фарғонам, порлоқ юлдузинг!
Илм-фан қариди чўқур илдизинг!

Улуг ал-Фарғоний — отахон бобом,
Бир минг икки юз ёш, тўйинг муборак!
Истиклол тўғрисида қаддинг ростлаган
Забардаст, улугвор бўйинг муборак!
Киндик қон тўкилган, гўзал водийда
Янгидан қурилган уйинг муборак!

Мамажон ХОЛИҚОВ
Бешарқ тумани.

«Давлат тили тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганига 9 йил тўлди

ТИЛ БАЙРАМИ — ЭЛ БАЙРАМИ

21 октябрнинг байрам қилиниши тарихий воқеа — мустақиллик нёмати: тил байрами — дил байрами, эл байрами. Чунки тил — маънавият калити, баркамол олимнинг озиғи! Тил — маънавият гулшани.

Ўзбек халқининг қадрияти ва маънавияти, ўз чукр илдириги, маданияти эса ўз битмас-туганмас бой хазинасига эгадир. Мустақил Ўзбекистоннинг жисман ва руҳан соғлом авлодлари маънавий гулшанининг бундай улкан хазинасидан чуқур ва атрофлича баҳраманд бўлмоқлари зарур. Зеро юртобимиз айтганларидек, «Маънавият инсоннинг, халқнинг жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон бахт-саодат бўлмайди. Нафақат кўнча тарих, янги тарих ҳам бунинг қўллаб-қўлловчилари беради».

Тил — элат ва миллатнинг маънавий бирлигини белгилайдиган энг қудратли мўъжиза, улкан илоҳий нёматдир. Миллатнинг узлигини, ўз қиёфасини белгилашда тил муҳим омил саналади. Ўзбек халқининг руҳий — маънавий ва маданий — маърифий жиҳатдан услишини миллий тил қараққитисиз тасаввур қилиб

нинг шаклланиши, тараққиёт йўлига кириши ХХ асрнинг II ярмидан бошланган. Жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришу-

дам, маънан етук ва эътиқодли қилиб тарбиялашда, мутахассисликни чуқур ва пухта эгаллашда тил таълимининг хизмати ниҳоятда улғидир.

Таълим ва тарбия — эгизак: ҳар иккиси ҳам инсон қалбига ва шуурига, жисми ва руҳига тил воситасида йўғулади. Бир суз билан унлаб, юзлаб ва ҳатто минглаб кишиларнинг қалбига эзгулик бахш этиш ҳамда уларни яхшилик сари йўллаш мумкин.

Ўзбек тили ўз тараққиётининг истиқлол босқичига кирганига 9 йил тўлди. Ўзбек адабий тили ўз мазмун-мундариқасини мустақиллик маънавияти тамойиллари билан бойитмоқда, ўз тасвир воситалари ва ифода усулларини халқ тили дурдоналари билан заб, унинг шуккуҳи (навислиги, гузаллиги, таъсирчанлиги, ифодалилиги) кун сайин орттириб бормоқда. Ҳозирги ўзбек адабий тили меъёр ва меъонлари миллий руҳда шаклланишда ва демократлашмоқда.

Карим НАЗАРОВ,
Тошкент Давлат
юримик институтининг
кафедра мудири,
профессори.



бўлмайди. Мустақиллик тилдан бошланади. Тил маънавияти — дил маънавияти, жамият маънавияти — бу, унинг бутунлиги, барқарорлигидир.

Ҳозирги ўзбек тили тарихий — миллий адабий тилининг, халқ тилининг узлуксиз давомидир. Унинг айрим қирралари Урхун-Енисей ёдномаларига, баъзи қирралари эса «Қўтадуг билим», «Девону лугатит турк» гача, Навоий ва Бобур асарларига бориб тақалади.

Ҳозирги ўзбек адабий тили

ви ҳам шу муқаддас ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишидан бошланади. Давлат тили ҳақидаги Қонун ўзбек тили тараққиётининг сиёсий, ижтимоий-маданий ва маънавий-маърифий омилли бўлди. Қонун сершева ва энг бой ўзбек тилининг жаҳоншумул аҳамиятини орттирди, хизмат доирасини кенгайтди.

Таълим тизимини ривожлантиришда, жамият маънавиятини мустаҳкамлашда, қомил инсонларни руҳан тетик, жисман бар-

ОНА ТИЛИМСАН

Навоийнинг назми ила қанот бойлаган,
Бобиршохнинг изтиробин хатга жойлаган,
Ўз юртида топталса ҳам сабот айлаган,
Ичимдаги асиримсан, ёки пиримсан,
Подшоҳимсан, вазиримсан, она тилимсан.

Қулоғимга илк бор қирган азонинг бўлди,
Ҳам ўйлаган, ҳам сўйлаган мезонинг бўлди,
Ўзгилгини англагучи Лисонинг бўлди,
Кайғумсанми, қувончмансан, ёки сиримсан,
Дардим билан тилмочимсан, ота тилимсан.

Онам бўлиб менга алла айтардинг ўзинг,
Юпанч бўлиб дилдан гами хайдардинг ўзинг.
Дуо бўлиб не балони кайтардинг ўзинг,
Сўзда кечган ою, балони кайтардинг ўзинг,
Тарихимсан, тақдиримсан, она тилимсан.

Кайғураман сенда мудом қўзим ёшланса,
Ох ураман сенда гирён дардим бошланса,
Йидираман юракларни диллар гашланса,
Йўқовимсан, йўғловимсан, менинг биримсан,
Ёр ёримсан, алёримсан, ота тилимсан.

Ўтда ёндин, нурга тўлдин, гоҳо музалдин,
Ўзбегимнинг тақдирини элга сўзладин,
Инградинг, тирадинг гоҳ, додлаб, бўзладин,
Қодирлар тақдирини тилимсан-тилимсан,
Хайриқимсан, чақирқимсан она тилимсан.

Сен борсанки, мен ҳам борман,
Эл ҳам тириндин,
Хар фарзандинг гурури ҳам улкан, йирқидир,
Шундан миллат, шундан қудрат, шундан бирликдир.
Валидамсан, Ватанимсан, она еримсан,
Саломимсан, каломимсан она тилимсан!

Кавсар ТУРДИЕВА.

Мазкур сарлавҳа остида «Адолат»га жавоб берадилар» рукни билан берилган танқидий мақолада Андижон шаҳар судининг судьяси Нафисахон Юлдашевнинг «Кўёш—94» фирмаси хусусида ноқонуний қарор чиқарганига қарамай унга нисбатан ҳамон чора қўрилмай келинаётгани кўрсатиб ўтилган. Мақола юзасидан қуйидаги жавоб олинди:

Ушбу низоли мақола юзасидан мақола ва маълумотлар хизмат текшируви ўтказиш учун Андижон вилояти Адлия бошқармасига юборилган ва берилган жавоб асосида «Хурият» ва «Адолат» газеталарига маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлигининг тақдирномаси асосида иш фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликларни ўз ўрнида Адлия бошқармасига юборилган ва берилган жавоб асосида «Хурият» ва «Адолат» газеталарига маълум қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Адлия вазирлигининг тақдирномаси асосида иш фаолиятида йўл қўйган хато ва камчиликларни ўз ўрнида Адлия бошқармасига юборилган ва берилган жавоб асосида «Хурият» ва «Адолат» газеталарига маълум қилинган.

Н. ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Судлар фаолиятини таъминlash бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси.

1996 йил 4 сентябрда чиқарган яна бир қарори мавжуд бўлиб, унда «Кўёш—94» фирмаси ХАҚ деб топилган ва томонлар ўртасидаги шартнома мавжуд эканлиги қўрсатилган. Олий ҳужукал судининг охириги қарори бўйича қилинган суҳбатда бир судья фирма раҳ-

сини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонда зикр этилган курсатмаларга зид.

Яна бир гап: низолашадиган музқаймоқ чеҳи 1993 йилда Андижондаги собиқ «ОРС-НОД-2» таъшилотидан Т. Верховская сотилган. «ОРС-НОД-2» раҳбари И. Эшонхужаев бир суҳбатда ҳеч қандай, Верховская ва фирма ҳамкорлигида шартнома асосида иш бошлагандан сунг (!) бир неча буйруқ чиқаргани ва шу асосда сохта ҳужжатлар тайёрлаганини тан олиб, бундан афсусланаётганини ва... бунинг учун керакли жойда жавоб беражанини айтганди. Шунингдек, хусусийлаштириш жараёнида Андижон вилоят давлат мулк бошқармасига Т. Верховская томонидан сохта ҳужжатлар тақдим этилгани Олий ҳужукал судининг 1996 йил 4 сентябрь қарорида баён этилган айрим ҳолатлар юзасидан адвокатлар қўшимча изланиш олиб бориб, Т. Верховскаянинг судга тақдим этган солиқ бошқармаси маълумоти сохта эканлигини аниқлади. Бундан ташқари, низоли ишдаги айрим муҳим ҳужжатлар ҳам сохта бўлганини қуйи суд қарорларида қайта-қайта исботланган.

Шунингдек, Андижон вилоят ҳужукал судининг ижросини И. Долимовнинг суд қарорини бажариш жараёнидаги (23.12.1997 й.) хатти-ҳаракати судьяларни қалгитган. Негаки, ижрочи И. Долимовнинг уша ҳаракатида (яъни, «Кўёш—94» фаолиятини таъқиқлаб қўйишга) ҳуқуқий асос бўлмаган. Чунки, унинг ҳаракати «Ҳужукал судларининг қарорлари ижро-

Хатлар ва шикоятлар бўлими.

ДУШАНБА, 26

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 «Ассалам, Ўзбекистон!»
8.00—8.40 «Тахлилнома»
8.40 «Эзлик». Бадий-публицистик қўтадуг
9.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади: «Танбур»
9.25 «Жанг спорт»
9.35 «Олтин тоқ». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 Кино янгиликлари
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари»
10.40 Қўтадуг сенис. «Сени ҳеч қачон унутмайман». Бадий фильм.
12.05 Ўзбекистон теледидиокомпанияси халқ қолғу оркестрининг концерти
12.35 «Қирғи ёнқ уй». Телетанлов.
13.00—14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-музика қўтадуг.
17.55 Қўтадуглар тартиби.
18.00 «Сонинчи салом»
18.20 «Олам ва одам»
18.45 «Сикат-саломатлик»
19.05 «Севанам сени элим». Музика қўтадуг.
19.25 19.55, 20.25, 21.00, 22.40 — Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Бирка ва банк хабарлари»
20.10 «Оқим эрталари»
20.30 «Ахборот»
21.05 «Иқтисод арифмоси»

21.25 «Буюк муҳаддис». Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги таънифлари.
22.45 «Ўзбек оламид»
23.05 «Кичеа»
23.35 «Ахборот»
23.55 Футбол. «Ўзбекистон чемпионати»
00.05 «Трактор»
00.50—00.55 Ватан тилмолари.
БЕЛАША КАНАЛ
18.00 Қўтадуглар тартиби.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.35 Эгиз қўшқилар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.35, 20.25, 22.20 — Ўзлонлар.
19.40 «Морена Клара». Телевизион (Бенесуэла).
20.30 «Жаҳи». Халқаро шарҳ.

СЭШАНБА, 27

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 «Ассалам, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади: «Тошкент»
8.55 «Дунё қўриб, дунёлар ярат»
9.15 «Сўрада тароналари»
9.25 «Олтин тоқдан». Киноқўтадуг.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 Кино янгиликлари
10.25 Янги афишони ўрганиш.
10.55 «Қўлашмақом Тоша». Мультимоща.
11.10 «Отлар қўйонаси». Музика қўтадуг.
11.25 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
11.35 «Сонинчи салом»
11.55 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.35 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.55 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
24.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).

ЧОРШАНБА, 28

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 «Ассалам, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 Болалар учун. «Киникойимиз-қўшқилар»
8.50 Утос
9.10 «Мерлаб қўриқлайди Ватаним»
9.30 «Танбур»
9.40 «Қўшқилар хазина». Телевизион.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 Кино янгиликлари
10.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
10.55 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
11.10 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
11.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
11.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
24.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).

ПАЙШАНБА, 29

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 «Ассалам, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
9.15 «Сўрада тароналари»
9.25 «Олтин тоқдан». Киноқўтадуг.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 Кино янгиликлари
10.25 Янги афишони ўрганиш.
10.55 «Қўлашмақом Тоша». Мультимоща.
11.10 «Отлар қўйонаси». Музика қўтадуг.
11.25 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
11.35 «Сонинчи салом»
11.55 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.35 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.55 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
20.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
21.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
22.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
23.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
24.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).

ЖУМА, 30

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕКАНАЛИ
6.30 «Ассалам, Ўзбекистон!»
8.00—8.30 «Ахборот»
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
9.15 «Сўрада тароналари»
9.25 «Олтин тоқдан». Киноқўтадуг.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар
10.05 Кино янгиликлари
10.25 Янги афишони ўрганиш.
10.55 «Қўлашмақом Тоша». Мультимоща.
11.10 «Отлар қўйонаси». Музика қўтадуг.
11.25 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
11.35 «Сонинчи салом»
11.55 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.35 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
12.55 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
13.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
14.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
15.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
16.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
17.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.05 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.25 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
18.45 «Ўзбектефилм» намойиш этади («Жаҳи дара», Мультимоща).
19.05 «Ўзбектефилм

